Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 17 июнь, шанба ◆ № 140. (13.700). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

СУРХОНДАРЁ — ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

Сурхондарё — Советлар диёрининг битмас-туганмас бойликларга кон хазиналаридан бири. Унинг ям-яшил лахтазорлари, ширин-шакар меваларга бой боғ-роғлари, осмонўпар тоғлари заркокил ёзаётган дарёю-каналлари, денгиздай чайқалаётган сув омборлари, ойга томон йўл олаётган ингичка толали ипак пахталари, товус патидек товланиб турган қоракўл терилари, баҳайбат Ҳисор қўйлари, шакарқамишу субтропик экинлари — мана буларнинг ҳаммаси олтин водий бойликларидир.

Буларни — ноз-неъматларни яратаётган толмас иродали ишчиларнинг, азамат пахтакор ва ғаллакорларининг, ўт юракли чорвадор ва боғбонларининг, меҳр зиёси-ла маърифат учқунларини алангалатаётган зиёлиларнинг меҳнатини бутун халқ ва партия юксак қадрлайди, шарафлайди!

Мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлгани каби Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, экономика ва маданиятни янада равнақ топтиришда янги-дан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Сурхондарё области «Совет Ўзбекистони» газетасининг меҳмонидир. Газетамизнинг шу сонида бу область ҳақидаги материалларни ўқийсиз.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Илғор фикрли кишилар қадим замонлардан бери инсонпарварликни куйлаб келдилар. Буюк мутафаккирлардан Фирдавсий, Рўдакий ўз ҳаётида, ижодида инсонийликни бир-бирига дўст, ҳамдам инсонларни орзу қилиб ўтди. Навоий ўз ҳаётида, ғазалларида «Одами эрсанг демагил одами, аниким йўқ халқ ғамидин ғами» деб куйлаб ўтди. Улар инсондаги барча фазилатларни улуғлаб, жаҳолат, худбинлик, риёкорликни қатъиян қораладилар.

Янги тарихий давр, Октябрь даври кенг меҳнаткашлар оммасининг революцион дунёқарашига зафар олиб келди, унинг маънавий-сиёсий ҳаётида тубли ўзгаришлар ясади. Марксизм-ленинизм илғор инсоният ўй-фикрининг, яшаш ва курашининг буюк илҳомбахш манбаи бўлиб қолди.

Коммунистик жамият барпо этилаётган Советлар диёрида юксак ахлоқ эгаси бўлган янги киши — ҳар жиҳатдан етук, ўзида олижаноб фазилатларни чуқур сингдирган жасоратли киши камол топмоқда. Унинг меҳридан, фидокорлигидан, саховатга тўла қалб қўридан, орзу-ўйлари, режаларидан бутун тараққийпарвар инсоният ибрат олмоқда.

Совет кишисининг бутун инсоният ҳавас қилаётган, эъзозлаётган фазилатлари унинг меҳнатсеварлигида, юксак онглилиги ва маданиятлилигида, тинчликсеварлигида намоён бўлмоқда. Бу фазилатлар эса катта курашлар, қийинчиликларни мардонавор енгиш жараёнида тобланмоқда, чиниқмоқда.

Совет кишиларига, бизнинг замондошларимизга хос ноёб фазилат — бу камтарликдир. Камтарлик — кишининг безаги. Доҳиймиз В. И. Ленин ниҳоятда камтар киши эди. У самимий, инсонга ҳурмат ва мурувват билан қаровчи, мақтов ва мадҳияларни ёқтирмайдиган энг улуғ, энг камтар ва оддий инсон эди. Улуғ Лениндан ўрнак олиш, Ленин каби олижаноб, меҳнатсевар, камтар бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳақиқий инсонийлик, юксак фазилатлар социализм шароитида рўёбга чиқди. Коммунистларнинг дастуруламали бўлган партия Программасида кишиларимиз ўртасидаги инсонпарварлик муносабатларига алоҳида эътибор берилган. Программада айтилганидек, коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат, жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик — совет кишисининг олижаноб фазилатидир. Дарҳақиқат, инсон қадри-қиммати улуғланган бизнинг мамлакатда энг яхши инсоний фазилатлар ҳам туғилди, ўсди, камол топди.

Бугунги совет кишисининг юксак онглилиги, теран ақл-заковати, маънавий дунёси, етук ҳиссиётлари унинг меҳнатида, турмуш қоидаларини идрок ва фаросат билан адо этишида, жамият тартибларига риоя қилишида, инсон тақдири, бахт-саодати учун қайғуришида кўринади.

Коммунизм қурилишининг қайси жабҳасига назар ташламанг, елкама-елка туриб, умум манфаати йўлида жон куйдириб ишлаётган, ижод қилаётган, ихтиролар кашф этаётган кишиларни учратасиз. Ўзларининг шарафли меҳнатлари билан халқ ишончини, эътиборини қозонган жасоратли кишилар ҳар бир корхонада, ҳар бир қурилишда, транспортда, ҳар бир колхоз ва совхозда неча ўнлаб, юзлаб бор. Жавод Кўчиев, Искандар Юсупов, Қобилжон Мўминов, Лидия Дудина, Холхўжа Баҳодиров, Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Маннон Жалолов ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, пахта усталари шулар жумласидандир.

Чин дўст, камтар ўртоқ — бу совет кишиларига хос бўлган фазилатдир. Дўстлик гулдан нозик, пўлатдан мустаҳкам, довуллардан кучли. Уни, шу дўстликни кўз қорачиғидай асраб, бир манфаат йўлида, коммунизм улуғ ишининг ғалабаси йўлида курашаётган кишиларимиз билан фахрланамиз. Шу дўстлик туфайли биз жаҳонда биринчи бўлиб коинотни забт этдик. Шу дўстлик, ҳамкорлик туфайли, коллективизм ва ўзаро ёрдам туфайли кишилар, бутун-бутун коллективлар ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўнлаб ва юзлаб завод ва фабрикалар «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган номни олишга сазовор бўляпти. Буларнинг ҳаммаси дўстлик, ўртоқлик, биродарлик, ҳамкорликнинг рамзидир.

Совет кишисининг меҳри дарё. У ўз халқи — Ватани учун жонкуяр бўлган ҳар бир кишини улуғлайди, аксинча, юксак коммунистик одоб-ахлоқ нормаларимизни менсимайдиганларни лаънатлайди.

Совет кишисининг фазилатлари фақат ўзимиз учун, халқимиз учун қилинган жонкуярликда эмас, балки жаҳон халқларининг ташвиши билан ўртоқлашишида ҳам намоён. Совет кишиси тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида бормоқда. Совет кишисининг инсонпарварлиги уруш даҳшатлари остида жафо чекаётган бегуноҳ Вьетнам халқига, араб халқларига кўрсатаётган чуқур хайрихоҳлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шу кунларда завод, фабрикаларимизда, ишчи клубларида бўлиб ўтаётган бирдамлик митингларида сўзга чиқаётган ишчининг, меҳнаткашнинг, олим ва зиёлининг юрак сўзларидан уқиш мумкин бу хайрихоҳликни.

Юксак олижаноб ахлоқий принциплар совет кишиларининг юриш-туриши, фаолиятининг асосий нормаси бўлиб қолмоқда. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳали орамизда ўзининг шахсий манфаатини умуммманфаатидан юқори қўяётган, жамият тартиб-қоидаларини бузаётган енгилтак, мансабпараст, ичкиликбоз, оила ва бола тарбиясига бепарво қарайдиган айрим шахслар ҳам учраб туради. Эскиликнинг кишилар онгида ва турмушида сақланиб келаётган бундай сарқитларига қарши кескин кураш олиб бориш, жамият тартиб қоидаларини, турмуш нормаларини бузаётган шахсларни тийиб қўйиш — бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилидаёқ шундай деб ёзган эди: «Биз ҳар ким ўзини дейди, худо ҳаммани дейди» деган лаънати тушунчага барҳам бериш учун яшаяпмиз, ишлаяпмиз».

Совет кишисининг етук ақл-заковати қудратли дарё тўлқини бўлса, бундай тушунчадаги шахслар эса тиниқ сувга тушган хасдир. Қудратли дарё тўлқини сув бетидаги ҳар қандай хас-чўпларни қирғоққа олиб чиқиб ташлашга қодир. Унинг меҳр ва садоқатини қозонган инсон ҳамиша обрў қозонади.

Бизнинг диёримизда совет кишиси ҳамма нарсага қодир бўлган бахти-саодати барқарор инсондир. Унинг қўлида марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимоти, партиямизнинг улкан Программаси бор. Биз партиямиз кўрсатган кенг ва ёруғ йўлдан коммунизм нурли чўққилари сари дадил олға бораверамиз.

Фото лавҳалар

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ЖОНАЖОН ТОШКЕНТИМИЗ кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Унинг кенг бағрида янги-янги уй-жойлар, ҳашаматли бинолар қад кўтармоқда. Ҳадемай Қизил майдон ёнида ҳам 19 қаватли забардаст замонавий бино тикланади. Унда республикамизнинг барча министрликлари ўрин оладилар. Ҳозир ана шу маъмурий бинонинг биринчи қавати қўлдан чиқарилиб, иккинчи қават қурилмоқда. Бу ерда Тошкент 1-қурилиш бошқармасига қарашли 2-қурилиш тресті бинокорлари ишламоқдалар. Илғор электр пайвандчилардан П. Жўлшибеков ва О. Золотухинлар (чапдаги суратда) монтаж ишларини олиб бораётирлар.

Ленинград қурилиш поездининг қурувчилари ҳам (ўнгдаги сурат) шаҳар қурилиш майдонларида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Электропайвандчи В. Ф. Бабанский кундалик топшириқни 150-160 процент бажариб, ўз ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ҒАЙРАТ ОТИНИ ҚАМЧИЛАНГ

Мусобақа шартларини текширамиз

Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг ер-сув ҳамда обҳаво шароити, иқлими бир хил деса бўлади. Шунинг учун бу икки область меҳнаткашларининг кўпдан буён давом этиб келаётган мусобақалари улар ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорликни янада ўстиришда, илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва камчиликларни бартараф этишда катта куч ва самарали восита ролини ўйнаяпти. Ҳар сафар келганимизда биз, сурхондарёликлар, мусобақадош дўстларимизнинг хайрли ишларини, қуриб битказган ўнлаб катта-катта йўл, канал ва бошқа иншоотларини, янги ўзлаштирилган минг гектарлаб қўриқларини, барпо этган боғроғларини кўриб қувонамиз.

Бу сафар келганимизда ана шундай манзара кўзимизга янада яққолроқ ташланиб турди. Биз бир ҳафта мобайнида Қашқадарё пахта далаларини, яйловлари ва ғаллазорларини, боғлари ва полизларини оралаб юриб, мусобақадош дўстларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиб, анчагина янгиликларни, ибратли тажрибаларни ўргандик. Уларни ўзаро текшириш якунига бағишланган область активи йиғилишида айтиб бердик.

Қашқадарёликлар Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейи шарафига Ватанга 220 минг тонна пахта, 51 минг тонна дон, 14,8 минг тонна гўшт, 21,7 минг тонна сут, 3010 тонна жун, 17 миллион дона тухум, 467 минг дона қоракўл тери, 1000 тонна пилла, 32 минг тонна сабзавот, 34 минг тонна полиз маҳсулотлари ва бултургидан анча кўп узум, ҳўл мева тортиқ қилиш мажбуриятини олганлар.

Область партия, совет ва хўжалик ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларини юбилей шарафига олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб адо этиш учун курашга тўла сафарбар эта олганликлари сезилиб турибди. Область йиллик пилла тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини, қоракўл тери сотиш планини ва ярим йиллик гўшт, тухум тайёрлаш топшириқларини ортиғи билан бажариб қўйди. Ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш қизғин боряпти.

Область колхоз ва совхозларида ирригация тармоқларини кенгайтириш, каналларни бетонлаш, ички суғориш тармоқларини тартибга солиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ости сувидан экинларни суғоришда фойдаланиш соҳасида кўп ва катта ишлар қилинганлиги жуда яхши бўлибди. Деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни жорий этиш учун курашга ҳамма районда эътибор кучайтирилганлигини яхши баҳолаш керак.

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш, уларга маданий-маиший хизматни яхшилаш маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг диққат марказида турибди. Бу соҳада Шаҳрисабз ва Яккабоғ районларида анча иш қилинган. Шу районларда меҳнатнинг ташкил этилиши, экинларнинг ривожи дуруст. Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Ленин номли колхозларда ҳафтада бир дам олиш куни жорий этилган, дала меҳнаткашларининг унумли ишлаши ва самарали ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Шунинг учун ҳам мазкур хўжаликларда ғўза парвариши ҳам, сабзавотчилик, мевачилик, чорвачилик ҳам, маданий қурилиш ҳам бир-бирига боғлаб олиб борилаётир.

Областда чигит вақтида экилиб, барча майдонларда нормал кўчат ҳосил қилинган. Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Ғузор районларидаги кўпчилик хўжаликларда, Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхози ва Карл Маркс номли, Энгельс номли, «Москва», «Коммунизм» колхозларида, Косон районидаги «Москва», «Косон» совхозлари ва Энгельс номли, «Партия XXII съезди» колхозларида, Қамаши районининг Ленин номли, «Коммунизм йўли» колхозларида кўчат қалинлиги ва ғўза парваришининг бориши кўнгилдагидек деса бўлади.

Текшириш натижасида мусобақадошларимиз ишида қатор камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Жумладан, айрим хўжаликларда ягана ҳанузгача тамомланмаган. Область бўйича 12 июнгача атиги 35 процент майдондаги ғўза бир марта суғорилган, холос. Чироқчи районида 77,5 процент, Қарши районида 77,4 процент майдондаги ниҳол ҳали бир марта ҳам суғорилган эмас. Ўтган йилнинг шу пайтидагига нисбатан ғўза бир марта кам озиқлантирилган. Область раҳбарларининг эътироф этишига қараганда, 10 минг гектар майдондаги ғўза бегона ўтдан тозаланмаган. 17,5 минг гектар ердаги ғўза ривожланишдан 20-25 кун орқада.

Қарши районидаги «Қашқадарё» ва «Партия XXII съезди» совхозларида ғўза қатор ораларини сифатсиз культивация қилаётган, тракторнинг ишчи органларини нотўғри мослаштирган механизаторларни учратдик. Шу районнинг бир қанча бригадаларида, Косон районининг «Косон» ва Ленин номли совхозларида бостириб суғораётган, сувни исроф қилаётган бепарво кишиларни ҳам кўрдик. Чироқчи, Қамаши, Қарши ва Ғузор районларидаги бир неча хўжаликларда минерал ўғитдан рационал фойдаланмаётган бригадирлар бор. Айниқса Чироқчи районидаги «Ленинград» колхозининг Жўраев, «Қизил юлдуз» колхозининг Худойбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида тонна-тонналаб минерал ўғит нес-нобуд бўлаётганига ачиндик.

Бундай камчиликлар айрим механизатор ва сувчиларнинг уқувсизлиги, бригада бошлиқларининг бепарволиги натижасигина эмас, шу билан бирга, инженер ва агрономларнинг ўз хизмат вазифасига масъулият билан қарамагани, талабчанлик қилмаётганликлари оқибати ҳамдир.

Кўпгина майдонларда зарпечак, ғумай сингари ғўза учун хавфли ўтлар кўпайиб кетганлиги ҳам Чироқчи, Қарши, Ғузор, Қамаши районлари қишлоқ хўжалик мутахассисларидан шошилинч чоралар кўришни талаб этмоқда.

Область экономикасида чорвачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Бу ерда сурункасига 2 йил ўт яхши бўлмагани сабабли ем-хашак таъминоти бирмунча қийинлашиб қолган. Бироқ, шунга қарамай беда ва дағал хашак ўриш қониқарсиз аҳволда бораётгани кишини таажжублантиради. Бошқа жойларда беда иккинчи ўримга келгани ҳолда қашқадарёликлар ҳанузгача биринчи ўримни тамомлашмабди.

Ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан ҳар бош сигирдан 52 литр кам сут соғиб олинганини, ҳар 100 бош сигирдан 17 бош кам бузоқ, 100 бош совлиқдан 14 та кам қўзи олинганлигини ҳам ем-хашак тайёрлашга ва молларни зооветеринария талаблари асосида боқишга эътибор сусайиб кетганлиги натижаси деб баҳолаш мумкин. Бултургига нисбатан 1225 бош қорамол ва 25.578 бош қўй кўп нобуд бўлганининг ҳам сабаби шу.

Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалик ходимлари юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун кучга-куч қўшиб меҳнат қилишлари, йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш йўлида ғайрат отини қамчилашлари керак.

Ҳ. САЙДАҲМЕДОВ — Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи, ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари,
Л. РАЖАБОВА — Сурхондарё область комсомол комитетининг секретари,
П. ШПАК — Шўрчи район партия комитетининг секретари,
Ҳ. КАМОЛОВ — Бойсун район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи,
Т. ЭШНИЁЗОВ — Денов район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

БИРИНЧИ кварталда эришган энг яхши кўрсаткичлари учун Гулистон наслдор паррандачилик совхози коллективига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрлиги билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ҳамда хизматчилари республика касаба союзининг Қизил байроғи топширилди. Хўжалик тухум тайёрлаш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажариб қўйди. Давлатга бир ярим миллион дона тухум топширилди. Ўтган йилдагига қараганда 227 центнер ортиқ гўшт сотилди. Мирзачўлнинг колхоз ва совхозлари ярим миллионга яқин жўжа очириб олдилар.

Гулистонлик паррандачилар юбилей йилида 4,9 миллион дона тухум, 165 тонна парранда гўшти беришга, икки миллионга яқин тухумни инкубацияда очиришга, парранданинг суткалик ўртача семиришини кескин оширишга ва товуқларнинг сергўшт бўлишига эришишга қарор қилдилар.

●

ЖАНУБИЙ Сурхон сув омбори лиммо-лим тўлдирилди. Унда Сурхондарёнинг 450 миллион кубометр суви тўпланди. Тошкент ва Ўзбек денгизлари ҳам батамом тўлғазилди. Бу йил республика ирригаторларига жуда ўнг келди — дарёларда сув кўп. Баҳор сувларининг бир қисми запас қилиб тўплаб қўйилди.

Қизилқум чўлининг жанубидаги Қуйимозор сув омборида тўпланган сув запаси берила бошланди. Машина билан суғорадиган 200 километрли Аму — Бухоро канали Амударё сувини бу ерга оқизиб келтирди. Ҳозир гидроузелдан чиқаётган сув Бухоро воҳасининг кўпдан-кўп каналларига оқмоқда. Қуйимозор ҳар секундда 16-18 кубометр сув бермоқда. Тоғлиқ ерда ястанган Уртатўқай сув омбори тўғонининг табақалари ҳам кўтарилди.

●

АМУДАРЁНИНГ қуйи қисмидаги, Сирдарё, Зарафшоннинг қайир ерларидаги шолипояларда шоли экиш мавсуми тугади. Ўзбекистон 56 минг гектар майдонга шоли экиб бўлди. Бу — ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 7 минг гектар кўпдир.

Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистонда энг йирик ихтисослаштирилган хўжаликлари майдонларидан сеялкалар чиқиб кетди. Бу ерда шолипоя 16 минг гектарни ташкил қилади. Барвақт экилган участкаларда шоли ҳийла кўтарилиб қолди. Деҳқонлар далаларга дастлабки ишлов беришга — озиқлантириш ва гербицидлар билан бегона ўтларни қуритишга киришдилар. Бу ишлар қишлоқ хўжалик авиацияси самолётларининг ёрдамида бажарилмоқда.

●

ЎЗБЕКИСТОН пойтахт областининг хўжаликлари ғалла ўрим-йиғимига киришдилар. 1-Оҳангарон совхози комбайнчиларидан И. Ҳолбоев ва Д. Эргашевлар лалми ерларнинг ҳар гектаридан 7-10 центнердан арпа олмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», «Северний маяк», «Ленин йўли» ва бошқа колхозлар ҳам ғалла ўримига киришдилар.

СЎНГГИ СОАТДА

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШ ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ VII СЕССИЯСИДА

Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш комитетининг мажлиси халқаро стандартлаш ташкилоти Бош Ассамблеясининг еттинчи сессиясида 15 июндаги бош масала бўлди. Бу комитет халқаро стандартлаш комитетининг бундан олдин Деҳлида бўлиб ўтган сессиясида тузилган энг ёш комитетидир.

Москвада шу комитетларнинг 50 тадан кўпроғи иш олиб боради.

«Кесимлар соҳасидаги технология» билан шуғулланувчи мутахассисларнинг учрашуви ҳаммадан олдин бошланди. Кенг истеъмол моллари саноатидаги стандартлаш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг 15 июндаги учрашуви мароқли ўтди.

(ТАСС мухбири).

УШ ОБЛАСТИГА — ЛЕНИН ОРДЕНИ

● **ЎШ.** (Қирғизистон ССР). Ўш области хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари учун Ленин орденига сазовор бўлди. Область меҳнаткашлари вакилларининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов Ватанимизнинг шу олий мукофотини топширди.

И. В. Капитонов Жанубий Қозоғистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан катта мукофот билан самимий табрикладди.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Андижон область партия комитетининг секретари А. Х. Ҳайдаров, Фарғона область партия комитетининг секретари Ф. Ш. Шамсиддинов, Тоғли Бадахшон область партия комитетининг секретари М Назаршоев Ўш области меҳнаткашларини самимий табрикладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига табрик мактуби йўлладилар

ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКЦИЯЛАР

● **Октябрга бағишланган навбатдаги лекцияда қатнашмоқ учун Тошкент жамоатчилиги, корхоналар, қурилишлар ва муассасаларнинг вакиллари, партия ва совет активидан қарийб 1 минг киши 15 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залига тўпланишди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов «Совет давлатининг 50 йили мобайнида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг равнақ топиши ҳамда 1966—1970 йилларда республиканинг ривожланиш перспективалари тўғрисида» доклад қилди.**

Октябрга атаб яқин вақт ичида ўтказиладиган лекциялар «КПСС социалистик қишлоқ хўжалигини илмий асосда янада ривожлантириш учун курашмоқда» деган темага бағишланади. (ЎзТАГ).

МАЛИ ПАРТИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДА

● **МОСКВА. Судан Иттифоқи партияси Миллий Сиёсий бюросининг аъзоси, Юстиция министри Мадейра Кейта бошчилигидаги Мали Республикаси партия-ҳукумат делегацияси Москвага келди.**

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН МАТБААЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Матбаачилар Умумҳиндистон федерациясининг вице-президенти Митра бошчилигидаги Ҳиндистон матбаачилар делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Бирлашган» нашриётида бўлиб, босмахона иши билан танишдилар.

Делегация аъзоларини айниқса линотип ва газета босиш цехларининг иши, у ерда эркаклар билан ёнма-ён туриб ишлаётган хотин-қизларнинг меҳнати қизиқтирди.

— Босмахонангизга таклиф этилганлигимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди федерация вице-президенти Митра. — Бизни айниқса ўзбек халқининг ўз миллий газетасига эга эканлиги, хотин-қизларнинг эркаклар билан бир сафда туриб ишлаётгани, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги мамнун этди. Бу, — деди Митра сўзининг охирида, — Совет Иттифоқи ҳукуматининг ўзбек аёлларига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигининг намунасидир.

Суратда: меҳмонлар бирлашган нашриёт босмахонасида.

Шунингдек босмахонанинг янги замонавий техника билан қуролланганлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Делегация аъзолари Гагарин номли пионерлар лагерини ва болалар боғчаларини бориб кўрдилар.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан

БОЙЛИККА КОН

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР

ЖАСУР комсомол Абдулла Набиев Шерободдан Бойсунга бораётганида Бўритахти деган жойда айғоқчи Салом-калта бошлиқ бир тўда босмачилар томонидан ўлдирилди. Халқ ғазабга тўлди:

Бўритахти ўйилсин,
Пистирмалар қўйилсин.
Набиевни ўлдирган,
Салом калта сўйилсин!

Сариосиёнинг Сангардак қишлоғида Сурхондарё музофотида биринчи хотин-қизлардан комсомол ячейкасининг секретари Бибиражаб қўй терисини ёпиниб олган ёт унсурларни фош қила бошлади. Душман унинг пайига тушди. Қашқадарёдан қочиб келган босмачи Тўра-манқа пайт пойлаб комсомол активлари устига бостириб борди. Улардан Бибиражабни сўради. Улар жавоб қилишмади. Бунинг учун Бобо Муллаев, Фозил Ёрматов, Бобораҳим Бекмуродовларни нобуд қилди. Оловқалб комсомол қиз Бибиражаб ҳам озодлик учун кураш қурбони бўлди.

...Сариосиёдаги Газарак қишлоғида ҳарбий гарнизон жойлашган эди. Кунларнинг бирида гарнизон командири Шариф оқсоқолга ем-хашак топиб беринг деб пул беради. У ем-хашак бериш у ёқда турсин ҳатто одамларни емиш сотмасликка ташвиқот қилади. Бундан воқиф бўлган қишлоқ комсомол ячейкасининг секретари Раҳимбобо Мелибобоев воқеани командирга айтади. Шундан кейин Шариф оқсоқол Раҳимбободан ўч олишга қасд қилади. Қишлоқ эшони Бобохон билан фикрлашиб, ўз ўғли Бобоқул ва Раҳимбобонинг куёви — Қора Ашуровни қайрайди:

— Йўлдан озган Раҳимбобо қишлоқни бузмоқда. Уни орамиздан йўқ қилмасак, кун кечириш қийинга ўхшайди, — дейишди.

Орадан кўп ўтмади. Кейинги кеча Раҳимбобо Мелибобоев тўсатдан йўқолди. Уни қора гуруҳчилар вахшийларча нобуд қилган эди. Бу ҳақда кейинчалик синглиси Тошбиби айтиб берган эди:

— Акам уйда китоб ўқиб ўтирар, дафтарчасига нималарнидир ёзар эди. Кеч тушиши билан эрим ва Бобоқул келишди. Овқат суздим. Ташқаридан чой дамлаб кирсам, улар жанжаллашиб ўтиришибди.

— Фақат йигитларни эмас, қизларни ҳам комсомолга ўтказа бошладинг. Бундай номаъқулчиликка қачон чек қўясан? — эрим акамга ўшқирди.

— Хотин-қизлар ҳам жамиятимизнинг тенгқур аъзолари. Улар ҳам партия ва комсомол сафига ўтишга ҳақли.

— Сен деҳқонлар йиғилишида мени ва отамни ёт унсур дебсан. Қайси куни гарнизон командирига чақибсан бизни. Бунга қандай тилинг борди, имонсиз, — Бобоқул эшонвачча гапга қўшилди.

— Ёлғонми. Сиз ҳам, отангиз ҳам меҳнат қилмай бойиб ётибсиз. Деҳқонлар боқяпти сизларни. Бизнинг жамиятимизда бундайларга ўрин йўқ, — деди Раҳимбобо кескин.

— Ҳозир йўлимдан қайтдим де. Бўлмасам... — эрим билан Бобоқул ўрнидан турди.

— Мен ленинчи комсомол аъзосиман. Ленин йўлига ҳеч қачон хиёнат қилмайман... — акамнинг сўзлари чала қолди. Эрим унга ташланди. Бобоқулнинг қиндан пичоқ чиқарганини кўрдиму дод солиб, унга ёпишдим. Афсуски қутқара олмадим...

Ойша Авазова Болдир қишлоқ Советига раҳбарлик қиларди. Деҳқонларнинг артель тузиш ҳақидаги мажлиси давом этарди. Навбат ака-ука Бўри ва Турдиқул Раҳмоновларнинг артелга кириш учун берган аризаларига келганда Ойша сўз сўради.

— Уртоқлар, — деди у, — артель меҳнаткаш деҳқонлар уюшмаси. Унинг эшиги ҳар кимга ҳам очиқ эмас. Биз Раҳмоновларни артелга қабул қилолмаймиз.

— Тўғри айтади Ойша, улар мажлисдан чиқиб кетишсин, — Бўри ва Турдиқул бойларнинг жабр-зулмини кўп тортган деҳқонлар қичқиришди.

Ака-ука мажлисдан қувиб чиқарилгач, қабиҳ план тузишди. Ойшадан ўч олиш учун унинг эри Авазни қўлга олишди.

Кун бўйи югуриб елиб чарчаган Ойша қаттиқ уйқуга кетди. Аваз пайт пойлаб уй ва ҳовли эшигини очиб ташқарига чиқиб кетди. Келишилган икки киши уйга кириб, маст уйқуда ётган Ойшанинг устига ташланди. Бўрибой қўлини унинг оғзига тиқди. Тилини тортиб чиқариб, кесиб ташлади. Биқинига, кўксига пичоқ санчди. Озодлик қалдирғочининг ҳаёти сўнди...

Иброҳимбек қўрбоши бир неча соатдан буён бундан 3 кун аввал Юрчида қўлга олинган Саид Насруллани сўроқ қилмоқда:

— Қизил аскарлар қаерда? Озиқ-овқати-чи?

— Нега ғайридинлар кетидан эргашиб юрибсан?

— ...

Хуррамбекнинг кўзига қон қуйилди. Айтмайсанми, дея тилини кестирди. Икки қўлини тирсагидан чоптирди. Сўнгра «бу аблаҳни улоқ қилиб чопинглар» деб новкарларига буюрди.

Тўрт соат отларнинг туёғи тагида эзилган одам гавдаси сув тўлдирилган мешдек бўлиб қолган. Уларга Асадуллабек баковул. «Улоқ» чуқурчага келтириб ташланади. Ундан олиб қўрани айлантирган совруи олади...

Қизил аскарларни озиқ-овқат билан таъминлаш бўлимининг ходими қашқадарёлик Саид Насрулла Чақарей тўқсобонинг ўғли Иброҳим ғаллу йигитлари томонидан ана шундай тириклайин улоқ қилиб чопилди...

Эрк йўлида қурбон бўлганларнинг бу фожиали ўлимлари халқни оёққа турғазди. Улар қизил аскарларга ҳамкор бўлишди. Қонхўр душмандан беаёв қасос олди. Бойсундаги кўнгилли халқ отрядининг командири Эшниёз Юнусов бошлиқ йигитлар Салом калтани тутиб келди. Энди халқ:

Комсомоллар йўлга тушди,
Салом калта қўлга тушди.
Отга миниб қочганида,
Кўкрагидан ўққа учди.

дея куйлади.

Бибиражаб, Ойшаларнинг ўлими Мукаррама Болтаева, Шарофат Ҳайитова, Тўфа Султонова сингари ўнлаб хотин-қизларни майдонга чиқарди. Улар чиммат ва чочвонларга ўт қўйишди. Хотин-қизларни озодликка олиб чиқишда фаол иштирок этишди. Фотима Алиева, Тўҳфа Расулова, Қурбоной Ҳакимова, Зулфия Зиёева, Турсуной Ризақулова, Норхол Бобоқуловалар совет мактабларида ўқиди, партия, комсомол ташкилотларида ишлади, маърифат тарқатди.

Раҳимбобо Мелибоев, Саид Насруллаевлар қасосини олиш, ўлкани босмачилардан тозалаш учун курашларда халқимизнинг асл фарзандлари жон фидо қилдилар. Иброҳимбек, Хуррамбек, Анвар-пошшо, Хусанбек, Утабек каби юрт хоинларини, оқпадарларни тор-мор келтиришда Жўра Эшмирзаев, Чори Беркалиев, Шариф Файзуллаев, Одина Хўжақулов, Степан Казимирович Гай, Николай Васильевич Тюрин, Павел Васильевич Гусак, Ражаб Қуллиев, Зуҳра Шерхўжаева, Қурбон Ҳакимов, Юнус Саидғозиев, Нарзулла Мусахўжаев, Ҳайитмурод Сатторов, Мирза Бозоров, Мурод Тўрахўжаев, Аваз Ширинхўжаев, Бойбул Қиёмхўжаев, Дониёр Чориев, Ёдгор Абдураҳимов, Шомамат Муҳамедовлар сингари ўнлаб кишилар мардлик, жасорат кўрсатишди. Ўлкамизда совет ҳокимиятини ўрнатишда ва уни мустаҳкамлашда жасорат кўрсатган бу ветеранларнинг кўплари ҳозир ҳаёт. Мамлакатимизда буюк сана — Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда улар бугунги фаровон ҳаётимизнинг, тотли ва тўкин турмушнинг, чароғон бахтимизнинг алангали йилларда кураш, фақат кураш билан яратилганлиги ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Э. ҚУВВАТОВ,
шахсий пенсионер, 1920 йилдан КПСС аъзоси.
Д. Ф. ПОГОДИНСКИЙ,
шахсий пенсионер, 1927 йилдан КПСС аъзоси.
А. ОЧИЛОВ,
шахсий пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси.

СУРХОНДАРЁ ОКРУГ ИЖРОКОМИГА

Сурхондарё округининг Жарқўрғон район Хўжамулки қишлоғи деҳқонларининг Уз. И. Ш. Ж. (Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти) Марказий Ижрокомга берган маълумотларига биноан округда бўлмиш «Босмачи Утан қўрбоши» шайкасини битиришда марказ ижрокомдан қурол ёрдам талаб қилиб берган деҳқонларнинг аризаларига мувофиқ сизнинг зиммангизга юклатиладики, Утан қўрбоши шайкаси билан қатъий кураш даврида Сурхондарё округ сиёсий идораси билан бирликда деҳқонлардан ишончли бўлган шахсларни ўз раҳбарлигингизга олиб, буларнинг талабига мувофиқ деҳқонлар билан бирликда кураш юргузувингизни.

Кураш даврида округ сиёсий идораси билан бирликда қатъий чора кўрилсин. Ҳам шу масала хусусида тезлик билан Марказий Ижрокомга тегишли маълумот ҳам натижаларингиз хусусида огоҳлантирилсин.

Уз. И. Ш. Ж. Марказий Ижроком раиси
ОХУНБОБОЕВ.

Сурхондарё воҳасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда довюраклик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган кишиларнинг номи область тарихи саҳифасига киритилган. Сурхондарёликлар Совет ҳокимиятини ўрнатишда, Улуғ Ватан уруши йилларида ватан, халқ бахт-саодати учун жон фидо қилиб курашган ажойиб ўғлонлари билан фахрланади. Халқ революция ветеранларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олади.

СУРАТДА: революция ветеранларидан (чапдан ўнгга) Чори БЕРКАЛИЕВ, П. В. ГУСАК, Неъматулла ХУЖАЕВ, Н. В. ТЮРИН ўртоқлар.

А. Ким фотоси.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача область территориясида саноат ғоят қолоқ эди. 1910 йилда Термизда ярим кустарь ҳолдаги ягона пахта тозалаш заводи бўлиб, бир йилда 100 тонна пахтани қайта ишларди. Ҳозир областда 6 та йирик пахта тозалаш заводи бор. Булар 300 минг тонна пахтани қайта ишлаб бермоқда.

●

1914 йилда областнинг ҳозирги территориясида 4.400 гектар ерга пахта экилиб, бор-йўғи 3.900 тонна ҳосил олинган. 1966 йилда эса 112 минг гектар ерда пахта етиштирилиб, 316,8 минг тонна «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Ҳар гектар ердан 28,2 центнердан ҳосил олинди. Юбилей йилида 320 минг тонна Сурхон жавоҳири етиштирилади.

●

Ўтмишда областдаги аҳоли ялпи саводсиз эди. 1915 йилда Термиз бюджетидан маорифга 180 сўм ажратилган, холос. Эндиликда областда саводсизлик ёппасига тугатилди. 393 та мактабда 140 мингдан ортиқ бола таълим олмоқда. Термиз шаҳрининг ўзида умумтаълим мактабларидан ташқари педагогика институти, медицина билим юрти, марксизм-ленинизм кечки университети ишлаб турибди. Областда учта илмий-тадқиқот муассасаси бор.

●

Революциядан илгари биропта ҳам врач, агроном, ўқитувчи бўлмаган ўлкада. ҳозир 7100 ўқитувчи, 5912 врач ва медицина ходими, юзлаб агроном, инженер ва зоотехник ишламоқда.

●

1917 йилгача Сурхон водийсида биропта ҳам маданий-оқартув ўчоғи бўлмаган. Ҳозир бу ерда музикали драма театри, 2 халқ театри, 579 кутубхона ва маданият уйлари, 254 киноустановка, 29 кинотеатр, 77 колхоз ва совхоз клуби, 3 та стадион ва 78 та комплекс спорт майдончалари меҳнаткашлар хизматида.

●

1928 йилда аҳолига медицина хизмати кўрсатадиган врачлар сони 9 киши бўлган. Шулардан бир киши тиш доктори эди. Ҳозир шаҳар ва қишлоқларда турли касбдаги олий маълумотли врачлар сони 525 кишини ташкил этади. Областда 56 касалхона ва туғруқхона, 20 диспансер, болалар ва оналар консультация хоналари, 500 дан ошиқ фельдшерлик ва акушерлик пунктлари бор. Буларнинг ярми қишлоқлардадир. Касалхона ва туғруқхонадаги ўринлар сони 4235 тага етказилди.

●

1930 йилда областда биргина трактор станцияси бўлиб, ундаги тракторларнинг умумий қуввати 750 от кучига тенг эди. Ҳозир колхоз ва совхозлардаги тракторларнинг умумий қуввати 136,5 минг от кучига тенгдир. Хўжаликлар ихтиёрида 6200 трактор, 2000 автомашина, 2100 дан ошиқ пахта терадиган машина, юзлаб комбайн, кучли экскаватор, грейдер, бульдозер, скрейперлар бор.

●

Колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Даромад йил сайин ошмоқда. Ўтган йили колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 86 сўмга тўғри келди. Ҳозир колхозларнинг бўлинмас фонди 105 миллион 117 минг сўмни ташкил этади.

●

Ўтган йили область саноати 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу, 1965 йилдагига қараганда 1 миллион 539 минг сўм кўпдир.

Область саноат корхоналари юбилей йили топшириқларини ҳам яхши бажармоқдалар. Улар биринчи квартал планини 105 процент адо этиб, планга қўшимча 1,7 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 6 процентга кўпайди, маҳсулот таннархи анча арзонлашди ва бошқа иқтисодий-техника кўрсаткичлари яхшиланди.

ҲУЖЖАТЛАР ҲИКОЯСИ

«Тарихий ҳужжатларда кўрсатилишича, Сурхон водийсида аҳоли зич жойлашган... XII аср тарихчиларининг маълумотларига кўра, Сурхон водийсида 16 мингтача қишлоқ бўлган. Сўнгги асрларда Чингиз ва Темурларнинг вайрон қилувчи, даҳшатли юришлари аҳоли яшайдиган жойларни йўқ қилиб ташлади. Унда-бунда қолган ирригация иншоотларигина бир вақтлар бу водий Урта Осиёнинг аҳолиси энг зич жойлашган районларидан бири эканлигидан дарак беради».

Д. Н. ЛОГОФЕТЬ,
«Бухоро — Афғон чегараси» китоби 6-бет, С. Петербург. 1909 й.

●

«...Санитария назорати йўқ, санитария ва даволаш муассасалари йўқ... Яқинда қора молларда вабо — ўлат касали тарқалди. Ҳарбий медицина инспектори 1902 йил 13 июндаёқ Термизга 3 ветеринар юборганини хабар қилган эди. Лекин, август ойи охирлаб қолганига қарамай ветеринарлардан биропта ҳам Термизга етиб келмади. Вабо касали эса уларнинг келишини кутмасдан моллар қирилиб бўлгач ўзидан-ўзи тугаб қолди.

...Иқлими ёмон, юқумли касаллар кўп. Гражданлар турли касалликлардан қирилиб кетаётирлар. Маҳаллий аҳоли учун хусусий амбулатория бор. Бу амбулатория учун амир ҳар йили 300 сўмдан пул бериб туриш ҳақида фармон чиқарган бўлса-да, Бухоро ҳукмдорлари сиз жаноб олийлари талаб қилишингизга қарамай, ўз фармонини бажаришни истамайди...».

Термиз гарнизонининг бошлиғи, генерал-майор Александр Барановскийнинг Бухородаги рус сиёсий агентлиги номига, 1902 йил 29 августда ёзган 463-рапортидан.

●

«...Йўллар Бухоро ҳукмронлари томонидан тузатилмайди. Аҳён-аҳёнда тузатиладиган йўлларга сарф бўладиган харажат ҳам меҳнаткашлардан олинади.

...Карвон йўллари эса бундан ҳам ёмон аҳволда. Бир неча йиллардан бери хароб, ўнқир-чўнқир бўлиб ётади. Бу йўлларни ҳеч ким, ҳеч қачон тузатмайди».

«Бухоро хонлиги рус протекторатлигида». 1-том. Ҳарбий ўқув юртлари комиссионери. С. Петербург, 1911 йил. 202—205-бетлар.

ЁНАР ТОШ

Еримиз остида ҳам бойликлар беҳисоб. Саноатимизнинг ризқи-рўзи бўлган ёнар тош — кўмир конларини излаб топиш ва ундан фойдаланиш тобора тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Сариосиё район марказидан 20 километр нарида Ҳисор тоғ тизмалари этагида бундан бир неча йил бурун геологлар кала тикқан эдилар.

Шундан бери чорак аср вақт ўтди. Шу ўтган давр ичида Тоқчиёнда 150 минг квадрат метр уй-жой қурилди, 130 та кўп қаватли бино қад кўтарди. Ошхона, ўрта мактаб, болалар боғчалари ва яслилари, амбулатория, поликлиникa ва бошқа объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1958 йилда шахтамизнинг биринчи навбати ишга туширилди. Бу биз қурувчилар учун катта қувонч бўлди. Ўша йили конимиз давлатга 68,5 минг тонна кўмир етказиб берди. Кўмир қазиб чиқариш йил сайин кўпая борди. 1962 йилда кўмир конининг иккинчи навбати, 1966 йилда брикет фабрикаси ишга туширилди. Янги беш йилликнинг дастлабки йилида планга қўшимча кўмир ва брикет ишлаб чиқарилди, 16 минг сўм фойда олинди.

Брикет фабрикаси янада кенгайтирилади. Янги ускуналар ўрнатилади.

Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллиги олдидан умумхалқ ҳаракати — социалистик мусобақа янада кенг авж олдирилди. Юбилей йилининг биринчи кварталида пландан ташқари 696 тонна кўмир, 1878 тонна брикет ишлаб чиқарилди. Юбилей кунигача янги беш йилликнинг иккинчи йили планини бажариш, планга қўшимча 2 минг тонна кўмир, 1500 тонна брикет ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Шарғун кўмир конининг ишчиси, Ўзбекистон ССР **Олий Советининг депутати.**

ТЕРМИЗ. ФРУНЗЕ НОМИДАГИ КЎЧА.

Улкан

Н. МУРОДОВ,
область партия комитетининг биринчи секретари.

Сурхондарё деганда, саноатимиз учун қимматбаҳо хом ашё — ипак, пахта, жаҳон мўйна бозорининг кўзгуси Сурхон сури, Бойсуннинг қоракўл ва ҳисор қўйлари. Иттифоқимизга машҳур Шарғун, Кокайди, Лалмикор «қора олтин»и, битмас-туганмас ерости бойликлари, Шеробод—Сурхон чўллари, Учқизил, Жанубий Сурхон, Намуна—Дегрес сув омборлари, Денов, Сариосиё, Шўрчи, Жарқўрғон районлари ва Термиз шаҳрида кейинги йилларда бунёд этилган заводлар, маданий қурилишлар, инсон камолоти борасида юз бераётган улкан ўзгаришлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Областимизда Совет ҳокимияти йилларида катта ўзгаришлар юз берди. Революцияга қадар ёппасига саводсиз бўлган ўлкамиз бағрида ҳозир педагогика институти, музика, педагогика, қурилиш ва медицина билим юртлари, профессионал-техника мактаблари, 393 та мактаб бўлиб, буларда 150 мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда. 7100 дан ортиқ малакали ўқитувчи кадрлар ишлаб турибди, 7000 га яқин йигит-қизларимиз Иттифоқимиздаги кўпгина олий ўқув ва ўрта махсус билим юртларида ўқимоқда.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам катта ишлар қилинди. 525 та олий маълумотли врач, 6000 га яқин малакали медицина ходими, шаҳар, район, колхоз, совхоз, корхоналарда, ишчи посёлкаларида, узоқ участкаларда турли хил касалликларга қарши клиникалар, шифохоналар, туғруқхоналар ва медицина пунктларида ишламоқда. Касалхона ва туғруқхоналардаги жойлар сони 4235 тага етди. Соғлиқни сақлаш соҳасида областимизнинг бу даражаси қўшни Афғонистон ва Эрон давлатларидагидан бир неча марта ортиқдир.

Термиз шаҳридаги гўшт, сут комбинатлари, нон маҳсулотлари тайёрлаш заводлари, Шарғун кўмир ҳавзаси, Кокайди, Лалмикор нефть конлари, Деновдаги Иттифоқда ягона ром заводи, ёғ-экстракт, ремонт-механика ва вино заводлари, Шўрчидаги механика-ремонт ва темир-бетон буюмлари тайёрлаш заводлари, Учқизил, Жанубий Сурхон, Намуна—Дегрес сув омборлари, Занг, Ҳазорбоғ каналлари ва бошқа бир нечта қурилиш ташкилотлари ҳамда маиший корхоналар советлар замонасидагина барпо этилган. Халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори саноат, транспорт, қурилиш ҳам тез суръатлар билан ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 1910 йилда Термиз шаҳридаги Матчонбой деган бойга қарашли пахта тозалаш заводи бир йилда бор-йўғи 100 тонна пахтани қайта ишлаган. Областдаги тўлиқ механизациялашган 6 та пахта тозалаш заводи эса биргина ўтган йилнинг ўзида 300 минг тонна пахтани қайта ишлаб чиқарди. Бу албатта, саноат корхоналаримизнинг замонавий механизмлар ва машиналар билан тўла жиҳозланганлигидан, меҳнат унумдорлигининг нақадар юқори эканлигидан далолат берувчи ёрқин далилдир.

Областимиз капитал қурилиши ишлари кўлами ва ҳажмининг ниҳоят кенглиги билан ҳам ажралиб туради. Бизда 11- ва 165-қурлиш трестлари, уларга қарашли бошқарма ва механизациялаштирилган кўчма қурилиш корхоналари, «Южсурхонводстрой», «Южсурхансовхозстрой», «Шерабадканалстрой» каби бошқармалар, колхозлараро қурилиш ташкилотлари, Шеробод чўлларида барпо этилаётган янги совхозларнинг посёлкаларини, шаҳар ва қишлоқларимизда ишлаб чиқариш, жамоат, маданий-маиший бинолар, меҳнаткашлар учун уй-жойлар қурмоқдалар, йирик суғориш иншоотлари барпо этмоқдалар.

Бугунги кунда Шеробод чўли бағрида «Янгиобод», «Комсомолобод», «Советобод», Абдулла Набиев номли янги пахтачилик совхозлари, серҳосил пахтазорлар, боғ-роғлар, шинам посёлкалар вужудга келди. Ана шу совхозларнинг марду майдонлари 24474 гектар янги ер ўзлаштириб, шундан 18214 гектарида қишлоқ хўжалик экинлари ўстирмоқдалар. 11-қурилиш трестининг коллективи Шеробод—Сурхон массивида яна 3 та янги совхоз посёлкалари қурилишини кенг кўламда олиб бормоқда.

Ўтмишда томчи сув кўрмаган Шеробод чўлида йирик суғориш иншоотлари қурилди. Шеробод насос станцияси ва Занг канали чўлга об-ҳаёт келтирадиган йирик иншоотлардир.

АЗАМАТ СУРХОН!

МЕҲНАТ—РОҲАТ

— «Ўтмишни эсласанг эсинг кетади» деган ҳикматли сўз бор. Бу кўзлар нималарни кўрмадию, бошдан қандай хўрликлар кечмади дейсиз, — деб ҳикоя қиларди сансонларни қоралаб қолган Чори ота Хўжамнёров.

Отам вафот этганда онамнинг қўлидайдим, тўрт етимни боқиб, кийинтириш онаизор зиммасига тушган. Эс-эс биламан. Бечора онам сўфи азон айтмай чиқиб кетиб, шомда ҳориб-чарчаб кириб келарди. Қишлоқ бойлари хонадонида оқсочлик қилиб топган, қотган-қутган нон бурдалари билан бизни овунтирарди...

Бу азобларга бардош беролмай онам ҳам кўзини юмди. Оиламиз тарқаб кетди. 10 ёшлар чамасида эдим, акам қарамоғида қолдим. Йигирма ёшимга қадар қишлоқ бойларининг подасини боқиб, ўтинини ёрдим, чорикорлик қилдим.

Бозорқакайди қишлоғи аҳолисининг тақдири бир-биридан қолишмасди.

Бек-амалдорларнинг, Бухоро амирининг зулм қамчиси камбағал деҳқонлар бошида кўп ўйнаган. Камбағал қашшоқлар ҳақсиз солинган беҳисоб солиқларни тўлашга қурби етмай, жабр-ситамларга бардош бериб, минг машаққат билан экиб-тикканларини судхўр бойларга бериб, чор-ночор кун кечиришга мажбур бўлганлар. Бурунги замонда бошимиз билан тош ташиган бўлсак ҳам ҳеч қандай ҳузур-ҳаловат кўрмаганимиз учун ҳамиша озодлик ҳақида ўйлар эдик.

Дала шийпонида бўлаётган гурунгга қулоқ солиб ўтирган миришкор сувчи Мамат Холмуродов қора ўтмиш ҳақида ҳикоя қилаётган Чори ака-нинг чеҳрасидаги ғамгинликни сезиб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Ўтмишни ўйлаб хафа бўлгандан нафойда Чори ака,— деди у,— меҳмонларга ҳозирги бахтли турмушимиз, ютуқларимиз ҳақида гапириб берсангиз қандай яхши бўлар эди.

— Тўғри айтасиз, Маматбой, ўзим ҳам ҳозир сўзни шу томонга бурмоқчи эдим. Улуғ Ленин тузган партия бизни жабр-зулмдан абадий қутқарди. Ильич ёққан буюк Октябрь чироғи ҳаммамизга бахт-саодат бағишлади. 1928 йилнинг эрта баҳори Бозорқакайди қишлоғининг қалбида бир умр унутилмас таассурот қолдирди. Бой-қулоқларнинг қўлидаги ерлар тортиб олиниб, йирик хўжаликлар — колхозлар ташкил этилди. Қишлоғимиздаги собиқ батраклар қишлоқ хўжалик артелига уюшдилар. Унга «Меҳнат—роҳат» деб ном қўйдик. Кўпчиликда артелга қўшадиган бирор мол-ҳол ҳам йўқ эди. Колхозимиз раиси Норали Боймуродов ҳам шу йили артелимизга аъзо бўлган эди.

Норали ака суҳбатга қўшилди: Артелимиз аста-секин оёққа турди. 1934 йили Чори акани звено бошлиғи қилиб сайладик. Ўша йили ҳар гектар ердан 3 центнердан ҳосил олганимиз худди кечагидай эсимда турибди. Бундан кейинги уч-тўрт йил ичида ҳам ҳосилни сезиларли даражада кўтара олмадик. 1937 йили колхозимизнинг пахта майдони ҳаммаси бўлиб 130 гектарни ташкил этди. Ҳар гектардан 5,5 центнердан ҳосил йиғиб, давлатга бор-йўғи 70 тонна пахта сотганмиз.

Йиллар ўтган сайин хўжалигимиз мустаҳкамлана борди. Машиналар ишимизни енгиллаштирди. Пахта майдонларимиз кўпайди. Ҳосил ҳам, даромад ҳам ошди. 1956 йили колхозимиз йириклашди. 1835 гектар ерга шу йили пахта экиб, ҳар гектаридан 30 центнердан ипак пахта етиштирдик. Янги пул билан ҳисоблаганда 4,5 миллион сўм даромад қилдик. Ўша йили ҳар меҳнат кунига ўрта ҳисобда 4 сўм пул, салкам 3,5 килограммдан ғалла тақсимланди. Ўтган йили ҳам ишимиз яхши якунланди. 2300 гектар майдондан қарийб 36 центнердан ингичка толали пахта ҳосили олдик.

— Чори бобо ҳам шу колхозда қаҳрамон бўлганлармн?— сўрадик раисдан.

— Худди шундай, — жавоб берди Норали ака. — Чори ота колхозимизда роса 30 йил звено бошлиғи бўлиб ишлади. 1956 йилда 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 58 центнердан пахта ҳосили етиштирганлиги учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ота бошлиқ звено аъзолари шундан сўнгги йилларда ҳам бўш келмадилар. Улар 1960—1964 йилларда гектаридан 60 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтардилар.

Чори бобо Панжи Раҳмонов бригадасига тез-тез келиб, фойдали маслаҳатлар бериб туради. Шу туфайли ҳам бу ерда йил сайин мўл ҳосил етиштирилмоқда. Ўтган йили бригада аъзолари 106 гектар ернинг ҳар гектаридан 47 центнердан хирмон кўтардилар.

215 минг сўм даромад қилинди. Бир центнер пахтанинг таннархи 16 сўм бўлди. Ҳар бир аъзонинг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 155 сўмга, тракторчи ва сувчиларнинг маоши эса 270-300 сўмга тўғри келди. Бригада аъзолари юбилей йилида ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашяптилар.

Чори бобо фарзандларининг ишини кўриб қувонади, ўзига маъқул шогирдлар етиштирганидан фахрланади. Далада мурғак ғўзаларни авайлаб парвариш этаётган Соҳибжамол Мамараимова, Жарқин Рўзиева, Мирза Жавлиев, Мамат Холмуродов, Даврон Абдураҳмонов, Неъмат Қурбоновларнинг ишини синчковлик билан зимдан кузатади.

Чори ота суҳбатга якун ясади:

— Замонамдан ўргилай» қора ўтмиш худди тушдай бўлиб қолди.

«Меҳнат — роҳат»ликларнинг руҳи тетик. Фаровон турмуш, озод меҳнат уларнинг қалбига қувонч бағишламоқда. Ипак пахтанинг чинакам усталари бўлган бу азаматлар юбилей йилида 2 минг 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан, жами 9 минг 200 тонна ингичка толали пахта хирмони кўтариш учун курашмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Жарқўрғон райони.

Область ўзининг «қора олтин»и билан машҳур. Илғор нефтчилар ана шу қимматли маҳсулот билан халқ хўжалигини таъминлаб туришда жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар Совет ҳокимиятининг 50 йиллик улкан тўйига муносиб тўёна билан бориш учун меҳнат активлигини кун сайин оширяптилар. Суратда: илғор нефтчилардан Норқул Сатторов ва Йўлдош Абдузоировларни кўриб турибсиз.

СУРХОН СУРИ

СУРХОН сури қуёш нурида кўк, яшил, мовий, зангори, қизил бўлиб товланади. Жаҳон мўйна бозорининг гултожи бўлган бундай қоракўл терилар Сурхон диёрида етиштирилади.

Гагарин номли давлат наслчилик заводи 1928 йилда «Оқ қопчиғай» қоракўлчилик совхози номи билан юритиларди. У республикадаги энг кекса хўжаликлардан биридир. Бу ерда 39 йилдан бери қоракўл қўйларнинг зотини яхшилаш билан тинмай шуғулланиб келадилар. Хўжаликнинг 60 минг бошга яқин наслли қоракўл қўйлари 84 та сурувда боқиляпти. Ўтган йили фақат қоракўлчиликнинг ўзидан пландаги 183 минг сўм ўрнига 298 минг сўм соф фойда олинди. Ҳар 100 бош совлиқдан 108 тадан қўзи олиниб, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари барча турлари бўйича ошириб адо этилди. Қоракўл териларнинг 85,3 проценти биринчи сортларга сотилди. Бошқа хўжаликларга зотдор қоракўл қўйлар сотиш плани анча ошириб бажарилди.

Гагарин номли давлат наслчилик заводида қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлигини яхшилаш ва янги, нодир, айниқса сур навларни етиштиришда катта ишлар қилинмоқда. Заводимизда сўнгги йилларда «Оқ олтин», «Қаҳрабо», «Бронза» сур навли қоракўл терилари берувчи янги типдаги зотдор совлиқлар етиштирилди.

Кейинги 5-6 йил ичида рангли сур терилари берадиган зотдор қўйларнинг навини яхшилаш соҳасида жуда катта тажриба ишлари амалга оширилди. Бу ишда Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг илмий ходимлари актив қатнашиб, чўпон-чўлиқлар ҳамкорлигида янада аъло сифатли янги хил рангли сур терилар яратишга муваффақ бўлдилар.

Шу йил март ойида эса Бутуниттифоқ синов комиссияси Гагарин номли давлат наслчилик заводида 1962—1966 йилларда ташкил топган «Кафтарранг», «Кумушранг», «Марваридранг» терилар берадиган қўйлар группасини тасдиқлаб, бунга — «Кўк қоракўл қўйларнинг Жанубий Ўзбекистон завод типи» номини берди. Ленинградда ташкил этилган мўйна кўргазмасига хўжалигимиздан юборилган рангли сур терилар аъло баҳоланди. Бу чорвадорларимизнинг юбилейга ҳозирлаган совғасидир.

Бундай ажойиб ишларни амалга оширишда заводимиздаги чорва мутахассисларининг, хусусан катта тажрибага эга бўлган кекса бош чўпонлардан Йўлбарс Шодмонов, Йўлдош Жўраев, Тоғай Ғаниев, Нурқул Йўлдошев, Тўра Пардаев, Раҳимқул Эшонқулов, Мустафо Қораев, Худойберди Нормўминов ўртоқларнинг хизмати катта бўлди. Бу муҳим ишга Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. С. Гиганашвили раҳбарлик қилмоқда.

Заводимиз чорвадорлари юбилей йили топшириқларини ҳам муваффақият билан адо этяптилар. 38 минг бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 112 тадан қўзи олинди. Давлатга 23.000 ўрнига 23.500 дона биринчи сорт қоракўл тери сотилди. Бунинг қарийб тўртдан бири қимматбаҳо сур терилардир. Пландаги 14.900 бош ўрнига 17.000 бош қўзи сўйилмай қолдирилди.

Ўртоқ Турди Холбоев раҳбарлик қилаётган иккинчи фермада 16 минг сур қоракўл совлиқ бор. Бу фермадаги қўйларнинг 4200 боши эгиз қўзилади. Ферманинг илғор бош чўпонларидан коммунист Тоғай Ғаниев ўз боқимидаги 794 бош сур совлиқнинг ҳар 100 бошидан 140 бош, у билан мусобақадош Нурқул Йўлдошев 818 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 139 бошдан қўзи олдилар. Шу фермадаги Йўлдош Жўраев, Мамат Жўраев ўртоқлар ҳам ўз боқимидаги қўйларнинг ҳар 100 бошидан 128—130 тадан қўзи олдилар.

Ўртоқ Қурбон Холтўраев бошқарувчи бўлган 1-фермадаги бош чўпон ўртоқ Чори Мадатов ҳар 100 бош совлиқдан 135 қўзи олди. Унга мусобақадош Норбой Иброҳимов, Оқбой Жўраев, Умарбой Иброҳимов, Бектош Убаев, Абрамат Абжалиловлар ҳам ажойиб натижаларга эришдилар.

Хўжалигимизнинг барча чорвадорлари, мутахассисларимиз юбилей йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариб, қутлуғ кунга ёруғ юз билан борадилар.

З. ЭРГАШЕВ,
Гагарин номли давлат наслчилик заводининг директори.
М. МЕНГЛИЕВ,
завод бош зоотехниги.

ЮКСАЛИШ

Денов Бухоро амирлигининг диний марказларидан бири эди. Бой ва аслзодаларнинг ҳовлиларини ҳисобга олмаганда район марказида иккита мадрасадан бошқа бирорта кўзга кўринарли бино йўқ эди. Қишлоқлар қора чодир ва хароба уйлардан иборат бўлиб, районнинг эллик процент майдони ботқоқлик эди. Денов билан Юрчи ўртасидаги ботқоқликдан от ва эшаклар бир кунда аранг ўтарди.

Бухоро хони бу чекка районни, сазойи жой, деб биларди. Бухоро музофотидаги турли ёмон касаллик билан оғриганлар Деновга бадарға қилинган.

Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш нури Деновнинг ҳам зимистон кўча ва хонадонларини ёритди. Денов мазлумлари Октябрни зўр шодлик билан кутиб олдилар. Партиямиз томонидан юборилган оташин коммунистлар Деновда Совет ҳокимиятини ўрнатиш йўлида сиёсий ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. Меҳнаткашлар коммунистларга эргашдилар. Ҳадемай бу ерда партия, совет органлари вужудга кела бошлади. Меҳнаткашлар социалистик жамиятнинг негизи бўлган партия ва совет ташкилотлари фаолиятида меҳнат аҳлининг чинакам ғамхўри, меҳрибони ва етакчиси тимсолини кўрдилар.

Район партия, совет ташкилотлари партиямизнинг коллективлаштириш сиёсатини амалга ошириш, коллектив хўжаликлар тузишда жанговар иш олиб бордилар. 1929 йилнинг бошларида биринчи бўлиб Ульянов номли, сўнгра «Қизил тўлқин» колхози тузилди.

Анбарсой қишлоғида колхоз тузиш жуда мушкул бўлди. Чунки, умри тугаб бораётган қулоқ ва руҳонийлар камбағал батракларни колхозга аъзо бўлиб киришдан айнитар, колхоз тузумининг ташкилотчиларини ўлдирардилар. Қурбон Очилдиев, Назар Эшниёзов, Шукур Қобилов, Анор Даминова, Ойнихол Хўжамшукурова, Шоймардон Тўраев, Хўжаназар Темиров ва мен колхоз тузишда ташкилотчилик қилдик. 1930 йилнинг 8 Март куни, яъни хотин-қизларнинг халқаро бирдамлик куни колхоз тузишга бағишланган кўп кишилик йиғилиш бўлди. Колхоз тузилди. Колхозга 23 киши аъзо бўлиб кирди. Артелнинг 30 гектар ери, 13 та ҳўкизи, 7 та оти бор эди. Батрак боласи Қурбон Очилдиев раис қилиб сайланди. Мени бригадир қилиб тайинлашди. 1930—1932 йилларда колхоз тузиш авж олдирилди. 1933 йилда районда коллективлаштириш тугалланди. Колхозлар ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланди.

Коллектив хўжаликлар йил сайин тараққий этиб, қудратли техникага эга бўлган гигант хўжаликларга айланди. Колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи ортди. Ҳозир районда 15 та йирик колхоз, иккита совхоз мавжуд. Колхозларда пахтадан юқори ҳосил етиштириляпти. Ўтган йили район 20 минг гектардан ортиқ майдоннинг ҳар гектаридан 36,9 центнердан, жами 75,7 минг тонна пахта берди. Денов биргина пахтаси билан эмас, балки, қоракўл териси, ғалласи, сабзавот, узуми, субтропик экинлари, жумладан шакарқамиши, хурмоси ва ширин-шарбат мевалари билан ҳам машҳур.

Районимизда машҳур пахтакорлар етишди. Улар ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» олмоқдалар. Масалан, бизнинг «8 Март» колхозимизнинг 1100 гектар пахта майдони бор. Пахтакорларимиз пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириб бораётирлар. Ўтган йили колхоз ҳар гектар ердан 43,5 центнердан «оқ олтин» олди. Хўжаликнинг бошқа тармоқларидан ҳам катта даромад олинди. Бизнинг артелимиз аъзолари пахта ҳосилдорлигини кўтариш борасида бир неча йиллардан буён ташаббускор бўлиб келмоқдалар. Ульянов номли, Собир Раҳимов номли, «Москва», «Ғалаба» колхозлари ва «Хазорбоғ» совхозларининг азамат пахтакорлари бизнинг артелимиз азаматлари ташаббусини қўллаб-қувватлаб, хўжаликни ривожлантириб бораётирлар.

Хўжаликларнинг экономикаси бойиб кетди. Умумий даромаднинг катта қисми маданий қурилишни авж олдириш ва қишлоқларни янги типда қайтадан қуришга сарфланмоқда. Қишлоқларда мактаб, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилмоқда. Меҳнаткашларнинг сиёсий тушунчаси ва дунёқараши ҳам ўзгариб кетди.

Ҳа, Денов Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада гуллаб-яшнади. Денов қишлоқ хўжалик райони бўлиш билан бирга саноати тараққий этган шаҳарча ҳамдир.

Ш. ҚОБИЛОВ,
«8 Март» колхозининг собиқ раиси, пенсионер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Шарғун брикет заводида окисловчи установка ишга туширилди. Суратда ана шу янги установканинг умумий кўриниши.

Меҳнатсевар чўпон Эшдавлат Шодиевнинг номини областда кўпчилик билади. У 18 йилдан бери ана шу севимли касбида ишлаяпти. Суратда: Э. Шодиев ва ферма мудири С. Зоировни кўриб турибсиз.



Шеробод — Сурхон чўлларига сув чиқарадиган биринчи насос станциясининг умумий кўриниши. Бу станция сувни 28 метр баландликка кўтариб, Шеробод машина каналига об-ҳаёт тўкади.

А. Ким фотолари.

ШАКАРҚАМИШ

Шакарқамиш тропик иқлимда етиштириладиган ўсимликдир. У, ер юзидаги ноёб ва қимматли ўсимлик бўлиб, унинг асосий ватани Шарқий Ҳиндистон ҳисобланади.

СССРда дастлаб 1932—1934 йилларда Қора денгиз соҳиллари ва Сухумида шакарқамиш тажриба учун экилди. 1936 йилдан бошлаб ром спиртининг асосий хом ашёси—шакарқамиш Тожикистон ССРнинг Парҳар ва Ўзбекистон ССРнинг Денов районларида тажриба учун ўргана бошланди. Изланишлар яхши натижа берди.

1948 йили 44,6 гектар ерга шакарқамиш экилди. Бу техника экинининг биринчи йилги ҳосили чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан 231 центнердан шакарқамиш олинди.

Хўжалигимизда шакарқамиш майдонлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Масалан, 1955 йили 144 гектар майдонга шакарқамиш экилди. Совхоз бўйича 82.491 центнер шакарқамиш пояси йиғиб олинди. Ёки ҳар гектар ерда 572 центнердан шакарқамиш етиштирилди.

Ишчиларимиз шакарқамишни шароитга мослаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида катта иш олиб боришяпти. Биз бу субтропик экиннинг агротехникасини ўзлаштириб олдик. Шакарқамиш экиш, уни ўриб-йиғиб олиш ишлари механизациялаштирилмоқда.

Шакарқамишни ўриш жуда машаққатли иш ҳисобланади. Бир ишчи кунига атиги 0,14-0,15 гектар ердаги шакарқамиш поясини ўриб олиши мумкин. Шуни қувонч билан эътироф этиш керакки, эндиликда шакарқамишнинг ўриб-йиғиб олишдек мураккаб иш механизациялаштирилди. Ўтган йили совхозимизга 2 та «ССК-1» комбайни юборилди. Бу машиналарнинг ҳар бири билан бир кунда бир ярим гектар майдондаги поя ўриб олинади. Бу комбайнлардан унумли фойдаланмоқдамиз. Совхозимизнинг слесари Мардой Раҳмонов яратган машина шакарқамиш ўришда жуда қўл келяпти. Биз у яратган агрегатни шакарқамиш ўрувчи комбайн деб атадик. Бу комбайн бир кунда 4-5 гектар ердаги шакарқамиш поясини ўриб олади.

Ўтган йили шакарқамишни ўриб-йиғиб олиш мавсуми олдинги йиллардагига қараганда анча қисқарди, ишчиларнинг меҳнати енгиллашди. Совхозимиз марказида ром заводи қурилган. Завод совхозимиз ихтиёридадир. Биз ана шу заводда хўжалигимизда етиштирилган шакарқамишнинг спиртини ажратиб оламиз. Хуллас, шакарқамиш етиштиришда амалга оширилаётган тадбирлар бу қимматбаҳо экиннинг ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, унинг таннархини арзонлаштириш имконини беряпти. Совхоз ўтган йили 8.200 тонна шакарқамиш етиштирди. Узоқ Бобомуродов, Нурбой Тошпўлатов, Ҳамза Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шакарқамишдан ҳар қачонгидан юқори ҳосил олинди. Бир центнер шакарқамиш етиштириш учун 4 сўм 89 тийин сарфланди. Агар хўжалик шакарқамиш етиштиришдан 1965 йилда 6 минг сўм даромад кўрган бўлса, ўтган йили бу соҳадан 150 минг сўм фойда келди.

Совхозимиз ишчилари юбилей йилида хўжаликнинг пахтачилик, боғдорчилик, ғаллачилик, чорвачилик соҳаларини ривожлантириш ва давлатга ҳар қачонгидан мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда шакарқамиш етиштириб бериш мажбуриятини олганлар. Хўжалигимизнинг ўтюрак кишилари ва механизаторлари юксак мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида фидокорлик кўрсатиб ишлаётирлар. Ишчиларимиз ўтган йилга қараганда 32 минг центнер кўп, яъни 114 минг центнер шакарқамиш етиштиришга аҳд қилганлар.

В. Г. ВАРАКИН,
Денов районидаги Ром совхозининг директори.

ЎЗГАРИШЛАР

Шеробод насос станцияси асосан бутун Шеробод районининг истиқболи, у Шеробод—Сурхон массивида янгидан ташкил этиладиган совхозлар ва жанубий зонадаги хўжаликларнинг далаларини яшнатади.

Ҳа, Шеробод чўлининг келажаги порлоқ. Партия XXIII съездининг янги беш йиллик план директиваларида кўрсатилганидек, Шеробод—Сурхон массивидаги неча ўн минг гектарлаб қақраб ётган чўл ўзлаштирилади, «оқ олтин» конига, боғ-бўстонга айлантирилади. Чўл ўрнида шаҳар типидаги кўркам посёлкалар қад кўтаради.

Областимиз экономикасининг бош тармоғи пахтачиликдир. Партия ва ҳукуматнинг социалистик қишлоқ хўжалигимизни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлида қилаётган ғамхўрликлари туфайли деҳқончилик ва чорвачилик йилдан-йилга ривож топмоқда. Пахта, дон етиштиришда, чорва моллари туёғини кўпайтириш, зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишда катта қадам қўйилди.

Буни шундай мисол билан таққосламоқчиман: 1914 йилда ҳозирги Сурхондарёда экилган 4400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 8-8,5 центнердан, жами 4 минг тоннага яқин ҳосил етиштирилган. Ёки 1930 йилда областда ягона ҳисобланган машина трактор станциясида жами қуввати 750 от кучига эга 23 та ҳайдов трактори, 903 та плуг, 3000 га яқин омоч бўлган.

Эндиликда совет деҳқонининг ўзи ҳам, унинг иш характери ҳам тубдан ўзгарди. Давлатимиз деҳқонларни ҳозирги замон қудратли техника ва асбоб-ускуналари билан, фан ютуқлари билан қуроллантирди. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, деҳқончиликда талаб қилинадиган ишларнинг ҳаммаси механизация ёрдамида бажарилмоқда.

Областдаги фақат пахтакор хўжаликлар қўлида умумий қуввати 136,5 минг от кучига эга бўлган 6200 тадан ортиқ турли маркадаги тракторлар, 2000 дан ортиқ пахта териш машиналари, неча минглаб бошқа хил қишлоқ хўжалик техника, асбоб-ускуналари мавжуд.

1966 йилда 112 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан, жами 316,8 минг тонна «оқ олтин» етиштирилди. Советлар замонасида оддий деҳқон, чорвадор, ишчи ўз меҳнатидан обрў-эътибор қозонмоқда. Шоймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Норали Боймуродов, Усмон Дониёров, Бобомурод Омонов, Эргаш Шамаев каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Тоғай Абсаматов каби машъаллар областимизнинг фахри ҳисобланади.

Сурхондарё «Сурхон», Гагарин номли, «Ҳазорбоғ», «Комсомол 30 йиллиги», «Сайроб», «Коммунизм», «Меҳнат—роҳат», Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» каби иқтисодий бақувват колхоз, совхозлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Сурхондарё меҳнаткашларининг юбилей йилида кўзлаган марралари янада улкандир. Улар ана шу улуғ сана йилини Ватанга 320 минг тонна пахта, 13 минг тонна дон, 11,9 минг тонна гўшт, 21,2 минг тонна сут, 10 миллион дона тухум, 126 минг дона қоракўл териси, кўплаб сабзавот, полиз экинлари ва саноат маҳсулотлари етказиб бериш билан муносиб нишонлаш учун ҳозирдан курашга отланганлар. Зиммадаги ана шу юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун кураш тобора қизғин тус оляпти.

Областда темир йўл ва автомобиль транспортини ривожлантиришда катта қадам қўйилди. Темир йўл станцияларини саноат корхоналари билан боғлайдиган трассалар қурилди, Термиз — Қўрғонтепа — Ёвон темир йўли қурилиши тез суръатлар билан олиб борилияпти. Бу, ўзбек ва тожик халқлари ўртасида қон-қардошлик, қўшничиликни янада мустаҳкамлайдиган трасса бўлади. Область территориясидаги ва қўшни шаҳар, район ҳамда ишчи посёлкаларга автобуслар қатнамоқда.

Қардош ва қўшни Тожикистоннинг Вахш ГРЭСи ишлаб чиқараётган нур шаҳар ва қишлоқларимиздаги кўчалар, хиёбонлар, хонадонларни чароғон қилмоқда, заводлар, қурилиш ва корхоналардаги мукаммал машиналарни ишга солмоқда. Шаҳар ва район марказларидан узоқ жойлашган участкаларни электрлаштиришга катта эътибор берилияпти.

Сурхондарёнинг лафзи ҳалол, мард бободеҳқонлари, чорвадорлари, олиҳиммат ишчилари, азамат қурувчилари эл-юрт олдида берган ваъдаларининг устидан чиқадилар.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА

Бразилия. Кофе плантацияларида ишлайдиган кишилар жуда кўп меҳнат қиладилар. Иш куни эрта тонгдан қоронғи тушгунча давом этади. Камбағаллар ана шундай меҳнатлари учун оиласини боқишга етар-етмас ҳақ олишади. Суратда: Сан-Паулу штатидаги кофе плантациясида.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

Туркия. Меҳнат аҳли жуда қашшоқ яшайди. Улар кун кечириш мақсадида турли ишларни бажаришга мажбур бўладилар. Бозорларда эса бойларнинг ҳашаматли дўконлари, йирик ҳунармандчилик корхоналари бор. Оддий халқ ана шу дўконлар олдида, кўчалар бурчагида этикдўзлик, темирчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланишади. Суратда: Бурса шаҳридаги бозорда.

Н. Кудрашев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ШОН-ШАРАФ ЙЎЛИ

Туркистоннинг «Ишчилар қўрғони» деб номланган темир йўл устахоналари — ҳозирги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг ишчилари босиб ўтган йўл ҳақиқатан ҳам ғалаба ва кураш йўлидир. Чунки дастлабки социал-демократик, сўнгра большевистик ташкилотлар шу ерда вужудга келиб, Туркистон меҳнаткашларини зулм ва истибдодга қарши отлантирди.

«Ташкентская правда» газетаси Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан ана шу шонли коллектив босиб ўтган йўл ҳақида ўзининг кечаги сонида бутун бир саҳифа берди. Саҳифада Тошкентдаги биринчи социал-демократик тўгарак 1902 йилдаёқ В. Д. Корнюшин раҳбарлигида тузилгани, Н. В. Шумилов, Д. И. Манжара, А. Г. Недельлин, В. С. Ляпин ва бошқа оташқалб революционерлар фаолияти, завод коллективининг кураш ва тинчлик йилларидаги ишлари қайноқ сатрларда ҳикоя қилинган.

ФУТБОЛ

ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Ўтган куни чемпионатнинг ўн иккинчи тури бўлиб ўтди. Лекин чет элдан барвақт етиб келган командалар бунгача ҳам рақиб командалар билан мусобақа ўтказишга улгурган эдилар. Булар: «Динамо» (Киев) — «Заря» (Луганск) — 2:0, «Локомотив» — «Арарат» (Ереван) — 0:1. Москвалик армиячилар командаси эса ўз майдонларида муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар Минскнинг «Динамо» командасини 1 : 0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Польша халқ республикасида бир неча матч ўтказиб қайтган «Пахтакор» командаси мамлакат биринчилиги мусобақаларини Москвада «Динамо» командаси билан бошладилар. Ҳозир турнир жадвалида иккинчи ўринни эгаллаб турган динамочилар мавсум бошидан буён мағлубиятга учрамай келаётган ягона командадир. «Динамо» командаси ҳужумчилари дадил ва мураккаб комбинациялар ишлатиб ҳисобни ўйиннинг 4-минутидаёқ очишга улгурадилар. Тўпни Пшеничников дарвозасига мезбонларнинг энг актив ҳужумчиси Еврюжихин киритади.

Ўйиннинг биринчи бўлимида динамочи Вотоловский қулай имкониятни қўлдан чиқаради. У урган тўп дарвоза тўсини ёнгинасидан ўтиб кетади. Лекин унинг командадош ўртоғи Вшивцев ҳисобни ошириб унинг хатосини тўғрилайди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳам пахтакорчилар дарвозасига икки тўп урилди. Тўпларни Маслов ва Еврюжихинлар киритишди. Шундай қилиб «Пахтакор» командасининг ўйинчилари йирик ҳисобда 4 : 0 мағлубиятга учради.

Москвада шу куни яна бир матч ўйналди. «Торпедо» командаси Бокунинг «Нефтяник» командасини 3:1 ҳисобида ютди.

Турнир жадвалининг карвонбошиларидан бири тбилисилик динамочилар ўз майдонларида ростовлик армиячиларни қабул қилдилар. Матч дуранг, 1 : 1 бўлиб тугади. Куйбишевда маҳаллий «Крилья Советов» командаси футболчилари «Зенит» Ленинград командасини қабул қилиб, улар дарвозасига тўртта жавобсиз тўп урдилар. «Торпедо» (Кутаиси) — «Шахтёр» (Донецк) учрашуви эса 2 : 2 ҳисобида дуранг билан тамомланди.

Турнир жадвалида командалар қуйидаги ўринларни эгаллаб турибдилар:

Командалар	У.	Т.	О.
1. «Динамо» К.	12	16—5	18
2. «Динамо» М.	11	18—4	17
3. «Динамо» Тб.	12	14—9	16
4. «Динамо» Мн.	11	14—8	14
5. «Шахтёр»	12	13—14	14
6. АСК Р.	12	13—15	13
7. «Нефтяник»	11	15—11	12
8. «Торпедо» М.	11	12—8	12
9. «Кр. Советов»	11	7—4	11
10. «Арарат»	11	6—6	11
11. «Заря»	11	7—8	11
12. «Торпедо» Кт.	12	8—12	10
13. «Спартак»	10	8—10	9
14. «Пахтакор»	12	10—15	9
15. «Зенит»	11	7—16	9
16. МАСК	11	9—12	8
17. «Локомотив»	11	6—10	8
18. «Қайрат»	11	6—13	6
19. «Черноморец»	11	6—15	6

Эслатма: кеча кечқурун бўлиб ўтган ўйинлар жадвалга киритилмаган.

«Пахтакор» командасининг футболчилари навбатдаги матчни ҳам Москвада 22 июнь куни «Спартак» командаси билан ўтказадилар.

П. ГАДОЕВ.
А. МАЪЗУМОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

У ТАННИНГ МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 июнь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг вакили қуйидагиларни хабар қилди: У Тан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий миссияларга мактуб юборди. У Тан бу мактубида Бош Ассамблея процедураси қоидаларига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари зиммасига юкланган жавобгарликни назарда тутиб, СССР ташқи ишлар министрининг 13 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус фавқулодда сессиясини чақиришни илтимос қилиб йўллаган мактубига уларнинг эътиборини жалб этади.

Прогрессив инсоният Исроил агрессиясини кескин қораламоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● Сайгондан ғарбий-шимолда жойлашган Тайнинь вилоятида ҳаракат қилаётган Жанубий вьетнамлик ватанпарварлар 25, 29 ва 30 майда душман қўшинларига қарши олиб борилган жангларда Америка солдат ва офицерларидан 150 дан ортиқ кишини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар, 2 вертолётни уриб туширдилар, 10 танк ва бронетранспортерни, 11 ҳарбий машина ва 3 артиллерия тўпини яксон қилдилар ва шикастлантирдилар. Вьетнам Информация агентлиги Озодлик агентлигининг хабарига асосланиб, шу тўғрида хабар берди.

Озодлик армиясининг жангчилари 6, 8 ва 10 июнда Куангчи вилояти осмонида Американинг 4 вертолётини ва битта реактив қирувчи самолётини уриб туширдилар. Шу вилоятда ҳаракат қилаётган Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 11 июнда яна бир ғалабага эришдилар. Улар шу куни Америка қўшинларига ҳарбий техника ва анжом элтиб берувчи беш вертолётни яхши мўлжалга олиб уриб туширдилар. Кўп миқдорда қурол-яроғ ўлжа олинди.

● Конго (Киншаса)нинг янги конституцияси овозларнинг ғоят кўпчилиги билан маъқулланди. 4 июнда бошланган референдумда қатнашган сайловчиларнинг 90 процентдан кўпроғи бу конституцияни ёқлаб овоз берди.

Янги конституция Конго (Киншаса)да кучли президент режими ўрнатилишини, парламентнинг битта палатали бўлишини, мамлакатда кўп деганда иккита сиёсий партия бўлишини, шунингдек вилоятлар маъмурияти устидан марказий ҳукумат ҳокимиятини кучайтиришни кўзда тутади.

Конституция Конго хотин-қизларига ҳам овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқини беради.

● НАТО кенгашининг икки кун давом этган навбатдаги сессияси ўз ишини тамомлади. Сессияда НАТО мамлакатларининг ташқи ишлар министрлари ва юқори мартабали вакиллари қатнашдилар.

● Американинг Венера планетаси томон учирилган «Маринер-5» автоматик станцияси 15 июнда эрта тонгда Канопус юлдузига қараб учди ва Венера томон йўл олди. АП агентлиги ана шу ҳақда хабар беради.

● Варшавада Хитой Халқ Республикасининг элчиси Ван Го-цюань ва Америка Қўшма Штатларининг элчиси Жон А. Гроноуски 133-марта учрашдилар. ПАП агентлигининг хабар беришига кўра, учрашув 3 соат 10 минут давом этган.

Навбатдаги учрашув 8 ноябрга белгиланди.

● АҚШ ҳарбий министри Роберт Макнамара Жанубий Вьетнамга тўққизинчи марта боради. У, 18 июнда давлат секретарининг биринчи ўринбосари Николас Катценбах ва штаб бошлиқлари комитетининг раиси генерал Уилер билан биргаликда самолётда Сайгонга учади. Пентагоннинг расмий баёнотида айтилишича, ана шу навбатдаги инспекция сафаридан кузатилган мақсад — Вьетнамдаги «урушнинг барча томонларини кўздан кечириб чиқиш»дир.

Ҳозирги вақтда Жанубий Вьетнамда Американинг 462 минг солдати бор. АП агентлигининг хабар беришича, Роберт Макнамара Сайгонда ана шу экспедицион корпус сонини кўпайтириш масаласини муҳокама қилса керак.

УЧИНЧИ САФАР НИМА БЎЛАДИ?

Бугун Йорг Йонатски жуда хурсанд. У қаҳрамонлар сафидан ўрин олган. Унинг атрофидан тутун бурқсиб осмонга кўтарилади. Самолёти эса чил-парчин бўлиб кетган. Йорг худди афсонавий қаҳрамон каби самолёт устида турибди. Бироқ, кимда-ким бунга ишонмайдиган бўлса, бу ҳақда Ғарбий Германия ҳарбий-ҳаво кучлари учувчисининг ўзи ҳикоя қилиб бериши мумкин.

— Ушанда,— дейди у, —мен Пфердсфельд базасидан одатдаги машқни бажариш учун реактив «старфайтер»имда учиб кетдим. Топшириқ бўйича пик ясашим керак эди. Лекин самолётни эндигина юқорига бурганимда мотор ўчиб қолди. Ерга 200 метрча қолганда катапульта қилдим. Бошқа илож ҳам тополмаган эдим.

Буғдойзорга тушдим. Кундузги соат 2 эди.

Олти соатдан сўнг янги «старфайтер»га чиқдим. Иккинчи самолётда ҳам ишим юришмади. Шасси ишдан чиққан экан. Тўппа-тўғри самолётнинг қорни билан ерга қўндим. Самолёт силкинган пайтда сапчиб йўлга отилиб кетдим, машина эса ерга урилиб ёниб кетди.

Йонатскининг гаплари чин. «Старфайтер»лар юлдузлар билан жанг қиладиган самолёт деб аталишига қарамай, кўпинча ер билан олишади. Бонн ҳарбий министрлиги томонидан Пентагондан сотиб олинган ўнлаб «старфайтерлар» ҳозиргача ер қаъридан жой олди. Эндиликда уларни «учар тобутлар» деб атайдиган бўлиб қолганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, бу «тобутлар» Ғарбий Германиядаги солиқ тўловчиларнинг чўнтагидан миллиардлаб сўм маблағни шилиб олмоқда.

...Йўқ, ҳеч ким Йорг Йонатскининг табассумини йўқота олмайди. Чунки у ҳақиқатан ҳам иши ўнгидан келган одамлардан бири! Ҳозир кулмасдан, эртага навбатдаги «старфайтер»га ўтирганда улуғ бахт йўлида худодан меҳр-шафқат тиласинми?

(«Вокруг Света»дан).

З. КОМОЧИННИНГ АЙТГАНЛАРИ

БУДАПЕШТ, 15 июнь. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Золтан Комочин Яқин Шарқдаги аҳвол муносабати билан кеча Венгрия телевидениеси орқали нутқ сўзлаб бундай деди: Яқин Шарқда ўт очишнинг тўхтатилишига муваффақ бўлган Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар агрессиянинг кенгайтирилишига йўл қўймадилар, янги жаҳон уруши хавфининг олдини олдилар ва бу билан бутун тинчликсевар инсониятга хизмат қилдилар.

Биз, деди З. Комочин, араб халқларининг кураши билан бирдаммиз. Шунинг учун ҳам бирдаммизки, биз умумий душманга қарши биргаликда кураш олиб бормоқдамиз. Биз моддий, сиёсий соҳада ва дипломатия соҳасида ўз ихтиёримиздаги барча воситалар билан араб халқларининг курашига ёрдам бермоқдамиз.

З. Комочин ўз сўзида социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари ва ҳукуматларининг яқинда Москвада имзоланган баёноти катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚИНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

СОФИЯ, 15 июнь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгарияда Исроил агрессиясига қарши норозилик митинглари давом этмоқда. Болгария халқи агрессияга ундаган Америка ва Англия империалистларини қоралайди. Исроил қўшинларини араб давлатларининг территориясидан олиб чиқиб кетишни талаб қилади. Митингларнинг қатнашчилари Европадаги социалистик мамлакатларнинг Москвада қабул қилинган баёнотини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар.

Касаба союзлари Марказий Кенгаши баёнот эълон қилди. Бу баёнотда айтилишича, Болгария касаба союзлари ва меҳнаткашлари Яқин Шарқдаги воқеалар муносабати билан Болгария ҳукуматининг тутган сиёсатини ва Исроил билан дипломатия муносабатлари узилганлигини тўла равишда маъқуллайдилар.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 15 июнь. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши неча якдиллик билан қабул қилган резолюция Исроил ҳукуматини уруш ҳаракатлари бўлган районлар аҳолисининг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга чақиради. Резолюция манфаатдор ҳукуматларга Женева конвенциясига мувофиқ ҳарбий асирлар билан муомала қилишдаги инсоний принципларга риоя қилишни ва граждан аҳолини ҳимоя қилишни тавсия этади. Хавфсизлик кенгаши бу резолюциянинг амалда бажарилишини кузатиб туриш ҳамда бу тўғрида Хавфсизлик Кенгашига маълумот бериб туришни бош секретардан илтимос қилади.

СОВЕТ ТАКЛИФИ МАЪҚУЛ ТАКЛИФ

БАЙРУТ. (ТАСС). Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессиясини чақириш тўғрисидаги таклифи Ливан матбуотида кенг маъқулланмоқда. Газеталар СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари У Танга юборган мактуби баёнини кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқармоқдалар ва ўз сарлавҳаларида Совет Иттифоқининг арабларга нисбатан дўстлик позициясини таъкидламоқдалар. «Ассафо» газетаси «Москва Исроилни қоралашни ва унинг қўшинларини араб ерларидан олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқда» деб ёзади. «Саут Алуруба» газетаси бутун биринчи саҳифанинг юқори қисмини эгаллаган сарлавҳасида қуйидагиларни ёзади: «Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясини дарҳол чақиришни талаб қилмоқда ва Исроил қўшинларини сўзсиз ва тезликда олиб чиқиб кетишни қаттиқ талаб қилмоқда».

ПОКИСТОН СССРНИНГ БМТДАГИ ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

РАВАЛПИНДИ. (ТАСС). Покистон Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб чиқиш мақсадида Бош Ассамблеянинг фавқулодда махсус сессиясини чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи таклифини қўллаб-қувватлайди, деди Исломободда ташқи ишлар министрлигининг вакили. Покистон ҳукумати, деди у, СССРнинг «Агрессор қўшинларини яраш линияси нари ёғига олиб кетиш тўғрисидаги» таклифини маъқуллайди.

ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ БЮРОСИНИНГ СЕССИЯСИ

БЕРЛИН, 15 июнь. (ТАСС). Берлинда халқаро Демократик хотин-қизлар федерацияси бюросининг сессияси очилди. Биринчи мажлисда араб мамлакатларининг хотин-қизлари ва Вьетнам хотин-қизлари билан бирдамлик тўғрисидаги телеграммалар, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Танга юбориладиган телеграмма қабул қилинди.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси бюроси араб мамлакатлари хотин-қизлари билан бирдамлик тўғрисидаги телеграммасида бюро номидан Англия — Америка империалист доиралари уюштирган ва қўллаб-қувватлаган Исроил қўшинларининг агрессияси қурбони бўлган бу мамлакатларнинг хотин-қизлари билан бирдам эканлигини ва уларни чексиз қўллаб-қувватлаётганлигини бутун дунёдаги миллионларча хотин-қизлар номидан изҳор қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Танга юборилган телеграммада бундай дейилади: Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси бюроси Яқин Шарқнинг агрессия қилган Исроил ҳукумати қуролли кучлари босиб олган территорияларидаги хотин-қизлар ва болалар кўплаб ўлдирилаётганлигидан ғоят ташвишланиб, дарғазаб бўлаётганлигини билдиради.

Бюро Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига мурожаат қилиб, Исроил агрессиясини қоралаш, Исроил қўшинларини қуролли можаро рўй берган пайтгача эгаллаб турган позицияларига қайтаришни талаб қилиш учун Совет Иттифоқининг бошқа кўп мамлакатлар қўллаб-қувватлаган таклифига мувофиқ БМТ Бош Ассамблеясини дарҳол чақириш учун ўз обрўсидан фойдаланишга даъват этади.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси бюроси Вьетнам хотин-қизларига йўллаган телеграммасида уларни ишонтириб айтадики, бюро Америка империалистлари ва уларнинг гумашталари мустақиллик, суверенитет, тинчлик йўлидаги ўз ҳуқуқини ҳимоя қилаётган вьетнам халқига қарши жиноий агрессияга хотима бермоқ учун бутун дунё хотин-қизларини кенг кўламда сафарбар қилишга ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Биз, дейилади телеграммада, сизларнинг ҳаққоний ишингизни ва Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишларни сўзсиз ва узил-кесил тўхтатиш ҳақидаги, қўшинларни олиб чиқиб кетиш ва Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий базаларни тугатиш тўғрисидаги, Миллий озодлик фронтини Жанубий Вьетнам халқининг бирдан-бир чин вакили, деб таниш ҳақидаги, Вьетнам масаласи устидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларга риоя қилиш тўғрисидаги талабларингизни бутун кучимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

ОБ-ҲАВО

Бугун республикамизнинг баъзи районларида ҳаво булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат 31-36 даража ўртасида бўлади.

Тошкентда ҳавога бир оз булут чиқиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Кечаси 17-19, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Рақслар. 8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — Ф. Ҳарратов чалади. 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча). 10.30 — Қўшиқлар. 11.10 — «Элга хизмат — олий ҳиммат» деган эшиттириш. 11.25 — А. Хачатурян. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига вальслар. 12.15 — Спорт (русча). 12. 30 — Нодир асарлар. 13.30 — Опереттолардан куйлар. 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун). 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — И. Стравинский асарларидан концерт. 18.30 — Севги қўшиқлари. 19.20 — Қора-Қораев. «Бўрон сўқмоқлари» балетидан биринчи сюита. 20.00 — «Октябрь» радиостанциясининг программаси. 20.40 — Оқшом концерти. 21.25 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.10— «Хатлар ҳикоя қилади» (музикали эшиттириш). 23.10 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Телевизион янгиликлар.** 17.15 — **Феффи Кунтербунтнинг саргузаштлари** (фильмнинг учинчи серияси). 17.50 — **Реклама ва эълонлар.** 17.55 — Андижон область. **«Савай»** совхози **Қирқ қиз** ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.55 — **Икки вайсақи** (бадиий фильм). 19.15 — **Романтика** телевизион театри. С. Аҳмад. **Суд** («Ёшлик» студияси кўрсатади). 20.15 — **Телевизион янгиликлар** (русча).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.25 — **Февралдан — Октябргача. Июнь намойишидан кейин** (Ленинград шаҳридан олиб кўрсатилади). 20.40 — Г. Гауптман. **Қуёш ботар чоқда** (Ленинград театрининг спектакли). 24.00 — **Огонёк.** 01.15 — **ЭКСПО-67.** 01.30 да эшиттиришларнинг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Физика.** Тўйинган ва тўйинмаган буғлар (ўқув программаси).

Рус тилида: Мультфильмлар (болалар учун). 18.20 — **Г. Успенский номидаги музика мактаби ўқувчиларининг концерти.** 18.50 — **Телевизион янгиликлар.** 19.00— **Туз. 9,95** (ҳужжатли фильмлар). 19.20 — **А. Иошпе ва С. Раҳимовлар куйлайди.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Спорт.** 20.30 — **Афсонага саёҳат** (телефильм). 20.50 — **Қишлоқ оқшоми.** 21.00 — **Шу куннинг музикачилари.** К. Усмонов. 21.40 — **Телевизион янгиликлар.** 21.50 — **Бир йилнинг тўққиз куни** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

18.00 — **Фрунзе телевидение студиясининг эшиттиришлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VI да **Айжонларим,** 18/VI да **Вероналик икки йигит.**

КИНО

Қишки бинода

Спартак — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эдгар ва Кристина — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11.40, кундуз 1 ярим ва 3.20 минутда).

Қочоқ — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз 5, кеч соат 6.40 ва 8.20 минутда).

Яна барҳаёт — (эрталаб 11.45, кундузи 2 ярим, 5 да) **Катерина Измайлова** (кеч 7 ярим ва 9.45 минутда): — «ЧАЙКА».

25,26 июнда
ҚАРШИ ШАҲРИДА
1967 йилда чиқарилган 3-пул-буюм ютуқлари лотереясининг
ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Тиражда умумий суммаси 877.500 сўмлик 612.500 буюм ва пул ютуқлари, шу жумладан:

«Волга» ва «Москвич-408» автомашиналари, «М-63», «ИЖ-Планета» мотоцикллари, пианинолар, мотороллерлар, «Зил-Москва»», «Памир», «Саратов-2» холодильниклари, «Восход» ва «Рубин-102» телевизорлари, баянлар, радиолалар, гилам ва гилам поёндозлар ҳамда шунга ўхшаш қимматли буюмлар ва пул ютуқлари ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олингиз!

30 июнда
ОЛМАОТА ШАҲРИДА
1966 йилда чиқарилган
3% ли
Давлат ички ютуқлар заёмининг
8-тиражи
ЎЙНАЛАДИ.

Тиражда заёмнинг бир разрядига умумий суммаси 512.560 сўмлик 9400 ютуқ ўйналади, шу жумладан: 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик.

3 % ли заём облигацияларини сотиб олинг! Ютуқлар тиражида қатнашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33259, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 140. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 04405.